ЯНГИ ҲАЁТ УЧУН, ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН УЧУН!

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

№78-79 (731-732) 2023 йил 1 сентябрь, жума

uzbunyodkor   t.me/uzbunyodkor   info@uzbunyodkor.uz   uzbunyodkor.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

# ВАТАН ОЗОДЛИГИ ЙЎЛИДА ШАҲИД КЕТГАНЛАР ХОТИРАСИ МАНГУ БАРҲАЁТДИР

**Мустабид ва истилолар даврида заминимизда минглаб бегуноҳ инсонлар умри хазон бўлганини, қанча-қанча оилалар пароканда ва хонавайрон бўлиб, гўдаклар етим қолганини тарих, бугунги ва келажак авлод ҳеч қачон унутмайди.**

Президент Шавкат Мирзиёев 31 август куни эрта тонгда Шаҳидлар хотираси хиёбонига ташриф буюрди.

Қуръон тиловат этилиб, ўтганлар ҳақига дуо қилинди. Элга ош тортилди.

Мустақиллик кунларида миллатимиз ойдинлари хотирасини эъзозлаш, хизматларини эслаш яхши анъана. Чунки улар халқимиз озодлиги учун, бугунгидек эмин-эркин кунлар учун интилган эди. Бу сана Ватанга фидойилик унутилмаслигини, ҳамиша қадрланишини англатади.

Мустабид тузум даврида юртимизда минг-минглаб одамлар қатағонга учраган. Оилалари хонавайрон бўлиб, болалари етим қолган. Биргина 1937-1938 йиллардаги катта қирғин даврида 7 мингга яқин ватандошимиз отилган.

Ҳозирги хиёбон шундай қатллар ижро этиладиган мудҳиш жой бўлган. Мустақиллик йилларида у обод масканга айлантирилди. Бу ерда "Қатағон қурбонлари хотираси" музейи, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда унинг филиаллари ташкил этилди. Айни пайтда музейда Туркистон маърифатпарварларига бағишланган кўргазма очилган.

Хиёбондаги рамзий қабр ёнида ҳам Қуръон тиловат қилинди.

– Ҳар сафар бу ерга келиб, халқимиз озодлиги йўлида қурбон бўлган жасур боболаримизни эслаб, кўнглимиз таскин топади. Уларни хотирлаш, эзгу ишларини давом эттириш биз учун ҳам қарз, ҳам фарз. Қатағон қилинган етакчиларимизнинг тақдири барчамизни мустақиллигимизни қадрлашга, уни асраб-авайлашга ундайди. Мана шундай мустақилликда, тинчликда яшашнинг ўзи Аллоҳ таолонинг катта марҳамати, неъмати. Бунинг учун шукроналик билан, унинг қадрига етиш керак, – деди Президент.

1937-1953 йилларда Ўзбекистонда 100 минг одам қатағонга учрагани, уларнинг 13 минг нафари отиб ташланганини яна бир бор ёдга олинди. Афсуски, тазйиқлар бу билан чекланиб қолмаган.

Ўтган асрнинг 80-йилларида ҳам минглаб юртдошларимиз адолатсизлик қурбони бўлган. "Пахта иши", "ўзбек иши" деган сохта айбловлар билан республикамиз бўйича 40 минг киши тергов қилинган, 5 минг нафари жиноий жавобгарликка тортилган.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистонга йигирма беш йил раҳбарлик қилган, ўзбек халқининг буюк фарзанди Шароф Рашидов ҳам ўлимидан кейин сиёсий қатағонга учрагани аламли эканини айтди.

Жадид боболаримиз ҳаётини ўрганиш, ноҳақ қатағонга учраган инсонлар хотирасини абадийлаштириш бўйича хайрли ишлар қилинаётгани таъкидланди.

– Бу борада адолатни тиклаш бўйича кўп ишлар қиляпмиз. Тарихчи олимлар иштирокида комиссиялар тузилди, архив ҳужжатлари ўрганилаяпти. Охирги икки йилда Ўзбекистон Олий суди 850 нафардан зиёд, бу йил 240 нафар ана шундай жабрдийда ватандошларимизнинг номини оқлади. Бундай изланишларни ҳеч қачон тўхтатмаслигимиз керак. Негаки ҳақиқатни халқимиз билиши керак, – деди Шавкат Мирзиёев.

Бу даврга оид тарих янги топилаётган ҳужжатлар ва ашёлар билан бойиб бормоқда. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича "Хотира" китоблари тайёрланди. Уларга 40 мингга яқин ватандошимиз тўғрисидаги маълумотлар киритилди. Бу тўпламлар яқин вақт ичида чоп этилади.

Президентимиз шулар билан бирга қатағон қурбонлари яшаган маҳаллаларда уларнинг номлари, фаолиятини муҳрлаб қўйиш зарурлигини таъкидлади.

– Музейлар қилдик, китоблар чиқаяпти, кўпчилиги оқланяпти. Лекин шу билан унутилиши керак эмас. Менинг назаримда, қатағон қурбонлари туғилиб ўсган ёки бугун авлодлари яшаётган маҳаллада, ўша ердаги мактабда уларнинг номларини ёзиб қўйсак, ҳам савобли, ҳам ибратли иш бўларди. Қолаверса, мана шундай байрамларда, хотира кунларида хонадонларини зиёрат қилиш керак. Нега уруш қатнашчиларини уйига борамизу, қатағон қурбонларини эсламаймиз? Уларнинг ҳар бирининг ҳаёти – қаҳрамонлик. Биз буни ўрганиб, ташвиқот қилиб, ёшларимизга етказишимиз керак, – деди давлатимиз раҳбари.

Мутасаддиларга жадид боболаримиз тарихини ўрганаётган тадқиқотчиларга мақсадли грантлар ажратиш, улар ҳақида ҳужжатли ва бадиий фильмлар олиш, матбуот ва интернет нашрларда материаллар чоп этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

– Халқимиз у даврни яхши билиши, фахрланиши керак. Ёшлар "Бизнинг боболаримиз истиқлол орзусида курашган, ўзини аямаган, биз мустақиллик учун нима қилаяпмиз" деб ўзига савол бериши зарур. Мустақилликнинг мустаҳкам замини нима ўзи? Аввало, ватанпарварлик, билим, маънавият. Жамиятимизда ана шундай ватанпарварлик руҳини, шукроналик руҳини кучайтиришимиз керак, – дея таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев "Янги Ўзбекистон" боғига бориб, Мустақиллик монументи пойига гулчамбар қўйди.

Бу монумент она Ватанимиз, мард ва жасур, тинчликсевар ва меҳнаткаш, қаҳрамон халқимиз шарафига қўйилган обида. У Президентимиз ғояси асосида давлатимиз мустақиллигининг ўттиз йиллигига бағишлаб бунёд этилган. Мамлакатимиз ҳаётидаги улкан воқеалар, хорижий ташрифлар чоғида бу ерга гул қўйиш анъанага айланган.

Маросимда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати, Президент Администрацияси, вазирлик ва идоралар, Тошкент шаҳар жамоатчилиги вакиллари ҳам иштирок этиб, монумент пойига гуллар қўйди.

**ЎзА.**

# ВАҚТНИ – ИМКОНИЯТГА, ИМКОНИЯТНИ – ЮТУҚҚА, ЮТУҚНИ ТАРАҚҚИЁТ ПОЙДЕВОРИГА АЙЛАНТИРА ОЛГАН ХАЛҚ – БУЮК ХАЛҚДИР

**Тошкент шаҳрида 31 август куни Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз икки йиллиги катта тантана қилинди.**



Байрамда Президент Шавкат Мирзиёев иштирок этиб, халқимизни бу қутлуғ сана билан табриклади.

Мамлакатимиз раҳбари ўтган даврда Ўзбекистон турли синовларда тобланиб, тажриба орттириб, ўзининг аниқ мақсади ва йўли, позициясига эга бўлган катта давлат сифатида шаклланганини таъкидлади.

– Сиз, азизларнинг Ватанга меҳр ва садоқат билан қилаётган ҳар кунлик меҳнатингиз Ўзбекистон мустақиллигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Шу маънода, Истиқлол байрами – барчамизнинг байрамимиз, мустақил Ўзбекистон – барчамизнинг фахримиз, ифтихоримиз, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз, – деди Шавкат Мирзиёев.

▶ 2-бет

# МУСТАҚИЛЛИК ЯРАТГАН НЕЪМАТЛАР – бизнинг тинчлигимиз ва осойишталигимиз

**Дилшод ЖАЛОЛОВ,** "O‘zbekiston bunyodkori" газетаси бош муҳаррири.

**Асрий орзу-армонлари ушалган халқнинг бахти ва шодлиги фарзандлар қалбидаги буюк шижоат, миллий ғурур, ифтихорда намоён бўлмоғи тайин. Бундан 32 йил муқаддам Ҳуррият ва озодлик ҳавосидан баҳраманд бўлган халқимиз илк кунлардан бошлаб Ватанни, она юртнинг шаҳар ва қишлоқларини обод қилишга бел боғлаб, бунёдкорликни беқиёс жараёнга айлантирди. Шу даврда амалга ошган асрларга менгзагулик ишлар ҳаммамизнинг кўз ўнгимизда содир бўлди. Ва бу жараён бутун жаҳонда эътироф этиляпти.**



Бугун юртдошларимиз энг азиз, энг улуғ байрам – Ватанимиз мустақиллигининг 32 йиллиги шукуҳи билан яшамоқда, меҳнат қилмоқда.

Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарорида миллий мустақиллик Ватанимизнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий-маърифий, ҳаётида бутунлай янги даврни бошлаб берган унутилмас воқеа эканига урғу берилган.

Дарҳақиқат, ўтган тарихан қисқа вақт давомида элимизнинг фидокорона меҳнати ва қатъияти билан миллий ўзлигимиз, тарихимиз, эзгу қадрият ва анъаналаримиз қайта тикланди.

Миллий мустақилликнинг нақадар эъзозли, қанчалар азиз эканини мустабид тузум заҳматларини кўрган, унинг оғир изтиробларини бошидан ўтказган, ўз эрки ва озодлигини йиллар давомида орзу қилганлар жуда яхши билади.

Истиқлол 130 йилдан кўпроқ давр мобайнида аввал чоризм, сўнгра қизил империя оёғи остида топталган Ўзбекистонни нафақат сиёсий ва ҳуқуқий жиҳатдан мустақилликка олиб чиқди. Айни чоғда, мамлакат истиқлол шарофати билан буюк аждодлардан мерос маънавий қадриятларини тиклашга, уларни асрлар чанг-ғуборидан поклашга, миллий тил ва маданиятини, адабиёт ва санъатини равнақ топтиришга, миллатнинг сохталаштирилган тарихини асл ҳолида тиклашга муваффақ бўлди.

1991 йилнинг 31 августида эълон қилинган миллий мустақиллик мустабид тузумнинг шу сингари барча кирдикорларига сўнгги нуқта қўйди. Мамлакатимиз ўз миллий армияси ва қуролли кучларини шакллантириб, ҳудудларини ўзи қўриқлай оладиган даражага етди. Ғоят қисқа муддатларда мамлакат ғалла ва энергетика мустақиллигига эришди. Ягона темир йўл тизими барпо этилди. Автомобилсозлик ва нефть-газ саноати муттасил ривож топди. Ўнлаб қўшма корхоналар Ўзбекистоннинг индустриал потенциалини намоён этиб, миллий саноатнинг гуркираб ўсишига, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини юксалтиришга пухта замин ва пойдевор бўлди. Ўзбек халқи қаддини рослади, ўз озодлиги, эркига, ўз овози, тилига эга бўлди.

Шу кунларда миллий тараққиётимизнинг 32 йиллиги кенг нишонланяпти. Ана шу даврда амалга ошган қайта қуриш ва бунёдкорлик жабҳаси ўтган чорак асрда рўёбга чиқарилган ишларни ҳар жиҳатдан мустаҳкамлаб, Ўзбекистонда ҳали ишга солинмаган беқиёс имкониятлар мавжудлигини ҳам кўрсатди. Айни чоғда бу ишлар бутун жаҳоннинг Ўзбекистонга бўлган қизиқишини, ишонч ва эътиборини оширди.

Бу ҳақиқатни Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар ва унинг ҳаётбахш самараси халқаро кўламда қизғин эътироф этилаётганидан ҳам билиш мумкин. Айниқса, сўнгги олти-етти йил давомида юртимизда рўй берган ва бугунги кунда шиддат билан давом этаётган туб ўзгаришлар, халқ манфаати йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар бир томондан халқимиз, бошқа тарафдан дунё ҳамжамияти томонидан хурсандчилик билан кутиб олинаётганидан дарakдир. Энг муҳими, барча соҳаларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари бугун реал натижаларини кўрсатмоқда. Халқимизнинг мамлакат раҳбари томонидан олиб борилаётган ва чуқур ўйланган стратегик вазифаларни бажаришга йўналтирилган фаолиятидан розилиги, келажакка бўлган кучли ишонч – энг катта ютуғимиз.

Қурилиш ва бунёдкорлик жабҳаси эса бугунги Ўзбекистоннинг ташриф қоғози – чинакам тимсолига айланди.

Сўнгги йилларда азим шаҳримиз таниб бўлмас даражада ўзгариб кетганини бир неча марта келаётган меҳмонлардан эшитганман. Уларнинг аксарияти Тошкентга бундан бир неча йиллар олдин келганини, шаҳар таниб бўлмас даражада ўзгариб кетганини бот-бот такрорлашади.

Қайси юрт тараққиётга юз бурса, ўша юртда ободлик ва бунёдкорлик мамлакатнинг олам узра обрў-эътиборини белгилайдиган жараёнга айланади. Соҳибқирон Амир Темур замонида Мовароуннаҳр – Буюк Туркистоннинг шуҳрати бутун оламга таралган эди. Бу даврда мамлакатда илм-фан ва адабиёт равнақ топиб қолмай, меъморлик ва санъат ҳам ҳадди аълосига етган эди. Халқ тўқ ва фаровон турмуш кечирар, бозорлар арзон ва сероб, йўллар қароқчию ўғрилардан тозаланган эди.

Шубҳасиз, бу жараён мамлакатдаги қурилиш ва бунёдкорлик ишлари ривожида, илм-фаннинг равнақ топишида, ислом маданиятининг гуркираб ривожланишида беқиёс из қолдирди. Бугун юртимизга ташриф буюраётган чет эллик сайёҳларнинг аксариятини, аввало, Ўзбекистондаги тинчлик-осойишталик ўзига жалб этаётган бўлса, қолаверса, Темурийлар даври тарихига оид меъморий ёдгорликлар ҳам уларни қизиқтираётган обидаларнинг муҳим қисмини ташкил этаётир.

Шу маънода давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Ўзбекистонни туризм ривожланган мамлакатлар даражасига олиб чиқиш борасида амалга оширилаётган ишларнинг миқёси халқимизни ғоятда мамнун этаётир. Эндиликда юртимизга келаётган сайёҳлар фақат қадимий меъморий обидаларимиз, гўзал табиатимиз билан танишибгина қолмай, мамлакат қиёфасининг кун сайин ўзгариб бораётганидан ҳам ҳайратга тушмоқда. Зотан, замонавий бунёдкорлик манзаралари беқиёс гўзалликлар яратмоқда.

Мустақиллик халқимизга эркинлик, рўшнолик олиб келганидек, ҳар йили бу айёмда яхшилигу янгиликлар кўп бўлади. Бу йил ҳам барча ҳудудларда иқтисодий-ижтимоий иншоотлар ишга туширилмоқда. Улуғ айём олдидан Президентимиз Тошкент шаҳридаги ана шундай бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Айтиш керакки, ҳар бир соҳанинг ривожи, албатта яратилган шароитларнинг мукаммаллигига ҳам боғлиқ. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, республикамизда божхона тизими фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида Божхона қўмитасида Божхона расмийлаштируви маркази барпо этилди.

▶ 3-бет

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№78-79 (731-732) 2023 йил 1 сентябрь

# ВАҚТНИ – ИМКОНИЯТГА, ИМКОНИЯТНИ – ЮТУҚҚА, ЮТУҚНИ ТАРАҚҚИЁТ ПОЙДЕВОРИГА АЙЛАНТИРА ОЛГАН ХАЛҚ – БУЮК ХАЛҚДИР









◀ 1-бет

Албатта, халқимиз мустақилликка, бугунги фаровонликка осонлик билан эришмаган. Бу йўлда аждодларимизнинг сиёсий ва маърифий интилишлари сўнгги бир ярим аср давомида деярли тўхтамаган. Истиқлолга интилган миллат қаҳрамонлари зулм ва зўравонлик қурбони бўлган. Мамлакатимиз мустақиллиги туфайли уларнинг пок номлари тикланмоқда.

Мустабид тузум даврида халқимизнинг ери, кучи, бор салоҳияти фақат деҳқончиликка йўналтирилди. "Ўзбек" деганда, фақат эртаю кеч пахта даласида меҳнат қиладиган заҳматкаш инсонлар тасаввур қилинар эди. Пахта сиёсати Оролни қуритди, экологиямизни инқирозга олиб келди, иқтисодиётимизни, таълим тизимини издан чиқарди.

Бугун пахтачиликда бозор иқтисодиёти тамойиллари жорий этилиб, мажбурий меҳнатга ва болалар меҳнатига чек қўйилди. Ўқитувчи мактабга, шифокор шифохонага қайтди. Ўзбекистон халқаро "қора рўйхатлар"дан чиқарилди.

Сиёсий мустақиллик замирида энг аввало иқтисодий мустақиллик ётиши ҳеч кимга сир эмас. Меҳнат ва машаққатлар билан бу асос мустаҳкамланиб бормоқда. Сўнгги 6 йилда юртимизда ялпи ички маҳсулот ҳажми 1,5 мартадан зиёд, тадбиркорлик субъектлари сони 2 карра кўпайгани, саноатдаги ўсиш 40 фоиздан ошгани буни яққол тасдиқлайди.

– Лекин биз бугун билан кечаги кунни эмас, бугун билан эртанги кунни таққослашимиз, ишимизни шу асосда ташкил этишимиз керак. Зеро, келажак бугун биз ташлаётган қадамлардан бошланади, – деди Президент.

Мамлакатимиз интилаётган тараққиётнинг асоси таълим экани таъкидланиб, бу соҳада қилинаётган ишлар қайд этилди.

– Агар 3 минг йиллик тарихимизга назар ташлайдиган бўлсак, ота-боболаримиз асрлар мобайнида дунё тамаддунига нафақат жисмоний, балки интеллектуал меҳнати билан улкан ҳисса қўшганига гувоҳ бўламиз. Биз жаҳонга фақат хомашё эмас, аввало илм-маърифат, маънавий бойлик етказиб берган не-не улуғ зотларнинг авлодимиз. Ҳеч шубҳасиз, уларга хос бўлган буюк фазилатлар, улар яратган шонли анъаналар бугун ҳам бизнинг қалбимизда, онгимизда, ҳаётимизда яшамоқда. Мен ишонаман, биз бу тарихий йўлни муносиб давом эттиришга ҳар томонлама қодирмиз, – дея таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Давлат раҳбари ўз нутқида бугун мамлакатимиз олдида турган муҳим масалаларга жамоатчилик эътиборини тортди. Экологияни асраш, сув, энергия ва бошқа табиий ресурсларни тежайдиган иқтисодиётга тезроқ ўтиш, инновацион ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этиш вазифаси долзарб экани қайд этилди.

– Ҳеч қачон унутмаслигимиз лозимки, табиий ресурслар – бу келажак авлодларимизга ҳам тегишли бўлган бойликдир. Шу боис, улардан нафақат бугунги, балки эртанги кунимизни ҳам ўйлаб, оқилона фойдаланишимиз шарт, – деди мамлакатимиз етакчиси.

Яна бир муҳим вазифа – жамият ҳаётининг барча соҳаларида аёллар учун тенг имкониятлар яратиш экани таъкидланди. Бу ҳақда гапирар экан, Президент маърифатпарвар бобомиз Абдурауф Фитратнинг "хотин-қизлар – бу "миллат оналаридир" деган сўзларини ёдга олди.

Инсоният охирги йилларда қаттиқ синовлар билан юзма-юз келгани, бунда иродаси мустаҳкам ва бирлашган халқлар барқарор ривожланиши таъкидланди.

– Ўзбекистоннинг ҳар бир фарзанди халқимизнинг бирдамлиги, мамлакат яхлитлиги учун курашиб яшашни ўз ҳаётининг маъноси деб билмоғи керак! Биз бир бўлсак – ягона халқмиз, бирлашсак – ватанмиз, – деди Президент.

Халқимиз ҳамиша тинчлик тарафдори бўлиб келгани, олис ва яқин мамлакатлар билан дўстлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқалари ривожлантирилишига урғу берилди.

Олдиндаги вазифалар қанчалик улкан ва мураккаб бўлмасин, уларни элимиз биргаликда ҳал этишга қодир экани таъкидланди.

– Тарихдан маълум: вақтни – имкониятга, имкониятни – ютуққа, ютуқни тараққиёт пойдеворига айлантира олган халқ – буюк халқдир. Бугун меҳнаткаш, мард ва олижаноб, меҳр-оқибатли элимиз айни шундай халқ бўлиб майдонга чиқмоқда, – деди давлатимиз раҳбари.

Президентимиз бу йўлда фидокорона меҳнат қилиб келаётган юртдошларимизга, бутун халқимизга миннатдорлик билдирди.

– Барча ютуқ ва ғалабаларимизнинг ижодкори ва бунёдкори бўлган халқимиз ҳамиша омон бўлсин! Гўзал юртимизда тинчлик ва осойишталик бардавом бўлсин! Жонажон Ватанимизга кўз тегмасин! Мустақиллигимиз абадий бўлсин, – дея сўзини якунлади Президент.

Байрам катта концерт дастури билан давом этди. Унда эрксевар аждодларимиз орзуси, бугунги озодлик шукуҳи, халқимизнинг келажакка ишончи ва умидлари ифодаланди. Мамлакатимиз тинчлиги йўлида ҳалок бўлган мард ўғлонлар хотираси ёдга олинди. Мумтоз куй-қўшиқларда халқимизнинг бой санъати ва қадриятлари, фольклор-этнографик жамоаларнинг чиқишларида Ўзбекистон турли маданиятларни бирлаштирган макон экани ёрқин намоён бўлди.

Тантанали тадбир телевидение ва интернет орқали тўғридан-тўғри намойиш этилди.

Ватанимиз мустақиллигининг ўттиз икки йиллиги байрам тадбирлари юртимизнинг барча ҳудудларида давом этмоқда.

**ЎзА**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

# МАЪМУРИЙ ИСЛОҲОТЛАР ДОИРАСИДА ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 январдаги "Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-14-сон Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш мақсадида:

**1**. Қуйидагилар:

**Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги фаолиятининг устувор йўналишлари** 1-иловага мувофиқ;

**Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги тизимидаги муассасаларни қайта ташкил қилиш дастури** 2-иловага мувофиқ;

**Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида янги тузилаётган муассасалар фаолиятини ташкил қилиш дастури** 3-иловага мувофиқ;

**Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг ташкилий тузилмаси** 4-иловага мувофиқ;

**Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ислоҳотларни чуқурлаштириш ва тизим фаолиятини трансформация қилиш бўйича "йўл харитаси"** 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

**2.** Тошкент шаҳар Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бош бошқармаси ва туманлар бўлимлари Тошкент шаҳри ҳокимлиги бўйсунувидан **Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги** (кейинги ўринларда – Вазирлик) бўйсунувига ўтказилиб, Тошкент шаҳар Уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси ва туманлар бўлимларига айлантирилсин.

**3.** Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида **назорат тизимини кучайтириш** ва унинг қамровини **кенгайтириш** мақсадида:

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси (кейинги ўринларда – Инспекция) ва ҳудудий инспекциялар фаолиятини **амалдаги молиялаштириш манбалари сақлаб қолинсин,** шунингдек, улар томонидан ўз ваколатлари доирасида шаҳарсозликка оид қонунчилик талабларини бузганлик учун **айбдор шахслардан ундириладиган жарималар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармасига йўналтирилсин;**

ҳудудий инспекцияларнинг ходимлари сони назоратга олинадиган объектларнинг сонига қараб белгилансин;

қурилиш фаолияти субъектларининг (буюртмачи, лойиҳачи, пудратчи бўйича) **мажбурий тартибдаги назорат тадбирлари** "Шаффоф қурилиш" миллий ахборот тизимининг **"Қурилишда давлат назорати" электрон платформасида амалга оширилсин;**

қурилиш объектларида қурилиш-монтаж ишларининг сифати ва лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқлиги, шунингдек, кўп квартирали уй-жой фондидан ва ичимлик сувдан фойдаланиш юзасидан **давлат назоратини** амалга ошириш учун Инспекция масъул ҳисоблансин;

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги шаҳарсозлик фаолияти субъектлари томонидан аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларига риоя этилиши устидан **давлат архитектура назоратини** амалга оширишга масъул этиб белгилансин.

**4.** Белгилаб қўйилсинки, ҳудудий инспекциялар фаолиятини ташкил этиш, назорат қилиш ва уларга умумий раҳбарлик қилиш **вертикал бошқарув тизими асосида** Инспекция ва Вазирлик томонидан амалга оширилади.

Бунда, ҳудудий инспекцияларнинг қонуний фаолиятига маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа тегишли ташкилот (идора)лар томонидан **аралашиш ёки таъсир ўтказиш қатъиян тақиқланади.**

**5.** Шаҳарсозлик соҳасидаги қуйидаги тоифа мутахассисларни уларнинг фаолият йўналишлари бўйича ҳар уч йилда бир марта **сертификатлаш тизими жорий этилсин:**

**а) 2023 йил 1 октябрдан бошлаб:**

лойиҳа бошқарувини ва техник назоратни, шу жумладан йўналишлар бўйича назоратни олиб борувчи мутахассислар;

лойиҳа ташкилотларининг муаллифлик назоратини олиб борувчи мутахассислар, шунингдек, лойиҳа бош муҳандислари ва бош архитекторлари;

пудрат ташкилотларининг ички назоратини амалга оширувчи мутахассислар;

**б) 2024 йил 1 январдан бошлаб:**

назорат ўлчовини амалга оширувчи мутахассислар;

эксперт ташкилотлари экспертлари;

кўп квартирали уйларни бошқариш органлари раҳбарлари;

**в) 2024 йил 1 апрелдан бошлаб:**

туман (шаҳар) ва вилоят архитекторлари;

қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш ҳудудий инспекциялари инспекторлари.

Бунда, мутахассисларни сертификатлаш ишларини ташкил этиш бўйича ишчи орган функцияси Вазирлик ҳузурида ташкил этилаётган Компетенцияни ривожлантириш институтига юкланади.

**6.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 6-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

**7.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатлари 7-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**8.** Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой муддатда** қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

**9.** Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири Б. И. Закиров белгилансин.

Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри
2023 йил 28 август

**ФАРМОНГА ШАРҲ**

# ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИГА ЖОРИЙ ЭТИЛАЁТГАН ЯНГИЛИКЛАР

**Саидносир УСМОНОВ,** Қурилиш ва уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ахборот хизмати раҳбари.

**Хабарингиз бор, шу йилнинг 28 августида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Маъмурий ислоҳотлар доирасида қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги" Фармони қабул қилинди.**

Хўш, мазкур ҳужжатнинг долзарблиги ва аҳамияти нимада?

Гап шундаки, мазкур Фармон билан Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги фаолиятининг 8 та устувор йўналиши белгилаб берилди. Шунингдек, Вазирлик тизимидаги ташкилотларни қайта ташкил қилиш дастури ҳам тасдиқланди. Унга кўра, Қурилиш вазирлиги фаолиятини ривожлантириш жамғармаси ва Уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигини ривожлантириш жамғармаси бирлаштирилиб, ягона жамғармага айлантирилди. Вазирлик муассислигидаги 5 та давлат унитар корхонаси ва 1 та масъулияти чекланган жамияти қайта ташкил этилиб, давлат муассасаларига айлантирилди. Улар фаолиятига оид асосий тартиб-таомиллар белгилаб берилди.

Шунингдек, вазирлик ҳузуридаги марказ ва илмий-тадқиқот институти номлари ўзгартирилди ҳамда фаолият йўналиши тасдиқланди. "Ўзсувтаъминот", "Ўзоғирсаноатлойиҳа" ва "ТошуйжойЛИТИ" акциядорлик жамиятларининг акцияларини бошқариш ваколати вазирликка ўтказилиб, вертикал бошқарув ва ҳисобдорлик тизими яратилди.

Таъкидлаш керакки, Вазирлик ҳузуридаги "Кўп хонадонли уйларни мукаммал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектлари қурилиши бўйича" инжиниринг компанияси тугатилиб, унинг ўрнига ҳокимликлар ҳузуридаги "Кўп қаватли уйларни таъмирлаш" инжиниринг компаниялари ва ҳудудий бошқармалар ҳузурида "Иссиқлик таъминоти объектлари бўйича инжиниринг компаниялари" ташкил этилди.

Яна бир янгилик шуки, вазирлик ҳузурида аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича буюртмачи функциясини бажарадиган ҳамда Давлат шаҳарсозлик кадастрини ва Шаҳарсозлик геоахборот тизимини юритадиган Урбанизация ва шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш Республика маркази фаолияти йўлга қўйилмоқда. Шунингдек, архитектура, қурилиш, муҳандислик ва коммунал хўжалиги соҳаларида кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ҳамда уларни баҳолаш бўйича ихтисослашган давлат олий таълим муассасаси яъни, Компетенцияни ривожлантириш институти ташкил этиляпти.

Шу билан бирга, қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат тизими янада кучайтирилиб, унинг қамрови кенгайтириляпти. Хусусан, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги шаҳарсозлик фаолияти субъектлари томонидан аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат архитектура назоратини амалга оширишга масъул этиб белгиланди. Вазирлик ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси объектларда қурилиш-монтаж ишларининг сифати ва лойиҳа ҳужжатларига мувофиқлигини назорат қилиш билан бир қаторда кўп квартирали уй-жой фондидан ва ичимлик сувдан фойдаланиш юзасидан давлат назоратини амалга ошириш учун масъул этиб белгиланди. Эндиликда ҳудудий инспекцияларнинг ходимлари сони назоратга олинадиган объектларнинг сонига қараб белгиланади.

Қурилиш фаолияти субъектларининг мажбурий тартибдаги назорат тадбирлари "Шаффоф қурилиш" миллий ахборот тизимининг "Қурилишда давлат назорати" электрон платформасида амалга оширилади. Ҳудудий инспекциялар фаолиятини ташкил этиш, назорат қилиш ва уларга умумий раҳбарлик қилиш вертикал бошқарув тизими асосида Инспекция ва Вазирлик томонидан амалга оширилади. Бунда, ҳудудий инспекцияларнинг қонуний фаолиятига маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа тегишли ташкилот ҳамда идораларнинг аралашуви ёки таъсир ўтказиши қатъий тақиқланмоқда.

Архитектура, лойиҳа фаолияти ва қурилиш назорати мутахассисларини 10 та фаолият йўналиши бўйича сертификатлаш тизими жорий қилинмоқда. Шунингдек, 19 та муҳим чора-тадбирлар, хусусан, ичимлик суви, канализация, иссиқлик таъминотини ривожлантириш, давлат харидлари ва рейтинг тизимини такомиллаштириш, лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини соддалаштириш, энергия тежамкор намунавий лойиҳаларни жорий қилиш, давлат хусусий шериклик лойиҳаларини кенгайтириш, назорат тизимини кучайтириш, улуш асосида қуриш механизмларини қайта кўриб чиқиш, мутахассисларни сертификатлаш ва малакасини оширишга оид трансформация ҳамда ислоҳотларни чуқурлаштиришга қаратилган "йўл харитаси" ҳам тасдиқланди.

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№78-79 (731-732) 2023 йил 1 сентябрь



# МУСТАҚИЛЛИК ЯРАТГАН НЕЪМАТЛАР – бизнинг тинчлигимиз ва осойишталигимиз

◀ 1-бет

Бу ерда Маълумотларни қайта ишлаш маркази, Масофавий электрон декларациялаш пости, "Call-марказ", Таргетлаш ва хавфларни бошқариш бўлимлари ташкил этилган. Ахборот тизими хорижий давлатлар, мамлакатимиз вазирлик ва идоралари, ташқи иқтисодий фаолият вакиллари, авиакомпаниялар маълумотлари билан интеграция қилинган. Ишни ташкил этишда тадбиркорларнинг таклифлари ҳам инобатга олинган.

Маълумотларни қайта ишлаш маркази амалдаги захирага нисбатан ўн баробар катта ҳажмли замонавий серверлар, компьютер ва бошқа зарур ускуналар билан жиҳозланган. Бу алоқа каналлари тезлигини 5 баробарга ошириш ва расмийлаштирув вақтини 2 баробарга қисқартиришни таъминлайди. Бутун тизим киберҳужумлардан ҳимояланган.

Масофавий электрон декларациялаш постида дастлабки босқичда Тошкент шаҳри тадбиркорлари масофадан туриб юборадиган божхона юк декларацияларини тезкорлик билан расмийлаштириш йўлга қўйилди. Кейинчалик бу билан республикадаги барча расмийлаштирув жараёнларини қамраб олиш режалаштирилган.

Таргетлаш ва хавфларни бошқариш бўлими Жаҳон божхона ташкилоти билан ҳамкорликда, ривожланган давлатлар тажрибаси асосида очилган. Бу ерда тезкор тузилмалар томонидан божхонанинг 50 та, Жаҳон божхона ташкилотининг 3 та ахборот дастури, 30 дан ортиқ идоралар ва хорижий божхоналарнинг маълумотлари таҳлил қилиниб, хавф-хатарлар баҳоланади ва барча божхона постлари фаолияти масофадан бошқарилади.

Марказий божхона лабораторияси ҳам экспертиза жараёнларини қисқартириш ва аниқлигини оширишга қаратилган илғор ускуналар билан жиҳозланди.

Бир сўз билан айтганда, божхона тизимининг замон талаблари даражасида фаолият юритиши учун барча шароитлар яратилди.










Суратлар president.uz сайтидан олинди.

Мустақиллик йилларида биз эришган энг залворли муваффақиятларимиздан бири, шубҳасиз, соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия, маънавият ва маърифат соҳасидаги натижаларимиздир. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мустақиллик йилларида, айниқса, кейинги йилларда бу йўналишда катта муваффақиятларга эришилди. Хусусан, соғлиқни сақлаш соҳасида олиб борилган кенг кўламли ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда. Бунда барча ҳудудларда қад кўтарган замонавий шифо масканлари, юртимизнинг чекка қишлоқларию овулларида янгитдан бунёд этилган қишлоқ врачлик пунктларининг халқимиз саломатлиги йўлида янада яхшироқ фаолият юритишига замин яратди.

Куни кеча Президентимизнинг Тошкент шаҳридаги бунёдкорлик ишлари, турли соҳаларда ишга туширилаётган янги объектлар билан танишиши чоғида янги барпо этилган иккита йирик шифо маскани – Миллий тиббиёт маркази ҳамда Республика ихтисослаштирилган оториноларингология ва бош-бўйин касалликлари илмий-амалий тиббиёт марказида яратилган шароитлар юқоридаги фикримизнинг ёрқин намунаси бўла олади.

Давлатимиз раҳбари 2020 йил ноябрда Миллий тиббиёт маркази қурилишини келиб кўрган, бу ерда қандай имкониятлар бўлиши лозимлиги ҳақида кўрсатмалар берган эди. Муассасалардаги бугунги замонавий шароит ва иш тартиби шунинг амалий ижроси, дейиш мумкин.

Шифо маскани ҳудуди тўрт гектардан ортиқ. Жами бир ярим минг квадрат метр майдонга эга еттита бино барпо этилган. Қурилиш ва жиҳозлашда хорижнинг илғор тажрибасига таянилган. Шу боис архитектураси мукаммал. Шошилинч ёрдам, реанимация, инфекцияли ҳолатлар – барчаси инобатга олинган.

Миллий тиббиёт маркази, бошқа шифохоналардан фарқли равишда, универсал бўлади. Бу ерда жарроҳлик, урология, трансплантология, травматология-ортопедия, гинекология, кардиохирургия, нефрология, кардиология, эндокринология, кардиоревматология, стоматология ва бошқа бўлимлар ташкил этилган. Жами 169 турдаги мингтадан кўп илғор тиббий асбоб-ускуналар ўрнатилган.

Марказ беш юз ўринга мўлжалланган. Амбулатор ва стационар тартибда икки юздан ортиқ тиббий хизмат кўрсатилади. Йилига уч мингдан зиёд, жумладан, аорта-коронар шунтлаш, эстетик-пластик хирургия, артропластика, орган ва тўқималарни кўчириб ўтказиш каби юқори технологик жарроҳлик амалиётларини бажариш қуввати мавжуд. Марказда мамлакатимизнинг олис ҳудудларидаги беморларга масофадан ташхис қўйиш, даволаш имконияти яратилмоқда.

Муассаса фаолиятида Германия, Туркия, Жанубий Корея каби давлатларнинг етакчи клиникалари билан ҳамкорлик қилинади. Чет эллик шифокорлар, ўзимизнинг хорижда малака оширган мутахассисларимиздан иборат жамоа – 250 нафар шифокор, 500 нафар ўрта тиббиёт ходими фаолият олиб боради.

Бундай имкониятларга эга марказ мамлакатимизда биринчиси. Қорақалпоғистон ва вилоятларда фаолият юритаётган кўп тармоқли клиникалар у билан боғланади.

Республика ихтисослаштирилган оториноларингология ва бош-бўйин касалликлари илмий-амалий тиббиёт маркази мазкур касалликларни даволаш билан бирга мамлакатимизда оториноларингология йўналишидаги ишларни мувофиқлаштиради. Бу ерда "Юқори нафас йўллари аъзолари физиологияси ва патологияси", "Эшитиш ва мувозанат аъзолари физиологияси ва патологияси", "Фониатрия ва ронхопатия" илмий лабораториялари ташкил этилди. Симуляцион амалий лаборатория, жарроҳлик хоналари ва 60 та ўрин-жойлар замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланди.

Маънавият бугун жамият ҳаётини янада барқарорлаштирувчи, миллий тараққиётни таъминловчи, турли миллат ва элат вакилларини ягона мақсад – янги Ўзбекистонни барпо этишга йўналтирувчи маёқ, халқимизни бугунги шиддат билан ривожланаётган дунёда тобора кўпайиб, урчиб бораётган кўплаб таҳдиду хатарлардан асраб қолувчи феномен ҳодисага айланди. Бекорга мамлакат раҳбари **"Ҳеч қачон унутмаслигимиз керак: маънавият – бу, аввало, инсонлар ўртасидаги ўзаро ишонч, ҳурмат ва эътибор, халқ ва давлат келажагини биргаликда қуриш йўлидаги эзгу интилишлар, ибратли фазилатлардир. Бир сўз билан айтганда, маънавият – жамиятдаги барча сиёсий-ижтимоий муносабатларнинг мазмуни ва сифатини белгилайдиган пойдевордир. Бу пойдевор қанча мустаҳкам бўлса, халқ ҳам, давлат ҳам шунча кучли бўлади"**, деб таъкидламаган эди.

Ҳа, ҳақиқатан, ана шу эзгу интилишлар ва ибратли фазилатлар мамлакатни кучли, жамиятни янада барқарор, одамларни масъулиятли, иродали, ахлоқан етук этиб шакллантирувчи буюк куч ҳисобланади. Бугун маънавият аслида юқорида зикр этилган қарорда таъкидланган **"Янги ҳаёт учун, Янги Ўзбекистон учун!"** деган шиорни ижтимоий ҳаракатга айлантирадиган, мутлақо халқ манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ислоҳотлар жараёнини янада тезлаштирадиган омилга айланди.

Давлатимиз раҳбари фаолиятининг илк кунларидан ёшлар таълим-тарбиясига, уларнинг маънан соғлом, маънавиятли бўлишларига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. 2017 йилда маънавият кўзгуси бўлган китоблар нашр этишни ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш бўйича Президент фармойиши қабул қилинган эди. Китобхонларни рағбатлантириш йўлга қўйилди.

Бу сиёсатнинг яна бир ифодаси сифатида яқинда Республика болалар кутубхонаси янгиланди. 1907 йилда қурилган тарихий бино реставрация қилиниб, замонавий жиҳозланди. Бугун муассаса ҳар жиҳатдан қулай, шинам ва ёруғ. Энди у нафақат болалар, балки катталарнинг ҳам севимли масканига айланмоқда.

Кутубхона ўзбек ва жаҳон болалар адабиётига оид 180 минг китоб фондига эга. Замонавий ахборот технологияларидан фойдаланилаётгани ходимлар ишини енгиллаштириб, китобхон болаларга қўшимча қулайлик яратган. Жумладан, ташриф буюрувчилар махсус ID-карта олади. У орқали китобхонларни рўйхатга олиш, китоб олиш ва топшириш жараёнлари электрон тарзда ташкил этилади.

Электрон кутубхонани ривожлантириш, видео ва аудио ресурслар фондини бойитиш, фойдали веб-контентлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Аудио китобларни тинглаш хонаси ташкил этилган.

Муассасада халқаро конференция, семинар ва бошқа тадбирларни ҳам бевосита, ҳам онлайн ўтказиш имкони яратилган. Ҳудуд ободонлаштирилиб, янги қиёфага кирган. Мўъжазгина амфитеатр ташкил этилган.

Президент ушбу шароитларни кўздан кечириб, китоб ўқиётган ва чет тилларини ўрганаётган болалар билан мулоқотда бўлди ва бу ердаги шароитларни янада яхшилаш борасида тегишли кўрсатмаларни берди.

Бугун янги Ўзбекистоннинг янги қиёфаси шаклланяпти. Замонавий иморатлар, иншоотлар қад ростлаяпти.

Сўнгги олти йилда мамлакатимиз аҳолиси 5 миллион 500 минг нафарга ўсиб, 36 миллиондан ошди. Шу билан бирга, шаҳарларимиз ҳам кенгайиб, тобора замонавийлашиб бормоқда. Бу эса уй-жойга бўлган эҳтиёжни ҳам ошишига сабаб бўлади. Юртимизда аҳолига муносиб турмуш шароити яратиш мақсадида кўплаб турар жойлар барпо этилишидан кўзланган мақсад ҳам аслида ана шу талабни қондиришдир. Шу жиҳатдан олганда, 2017 йилдан буёғига республика бўйича 326 мингта янги уй фойдаланишга топширилгани, бу даврда уй-жой билан таъминлаш аҳоли жон бошига 18 фоизга кўпайгани ҳам диққатга сазовордир.

Охирги уч йилда эса банклар томонидан 210 минг оилага 33 триллион сўмлик ипотека кредити ажратилган. Эҳтиёжманд 73 минг оилага бошланғич бадал ва фоиз тўловлари учун 1,3 триллион сўм субсидия берилган. Булар кичкина рақамлар эмас, албатта. Бунинг ортида, аввало, инсонпарвар давлатда "инсон қадри учун" тамойили асосида олиб бораётган ислоҳотлар самараси турибди. Зеро, шундай саъй-ҳаракатлар туфайли нафақат янги уй-жойлару ижтимоий объектлар қад ростлаяпти, балки шаҳару қишлоқларимиз инфратузилмаси замонавийлашиб, қўшимча тармоқлар имконияти ҳам ортмоқда.

Соҳага бозор тамойиллари жорий қилингани натижасида юзлаб хусусий буюртмачи компаниялар шаклланди. Йиғма темир-бетонли кўп қаватли уйлар қурувчи 11 та йирик кластер тузилди. Тадбиркорларга шароит яратилгани туфайли цемент, газоблок, кафель, керамогранит ишлаб чиқариш кўпайиб, уларнинг нархи анча арзонлашди. Пировардида, ўтган йили 60 минг хонадонли кўп қаватли уйлар барпо этилди. 31 та ҳудудда "Янги Ўзбекистон" массивлари қурилишига киришилди. Умуман, жорий йилда уй-жой қуриш ҳажми 1,5 баравар оширилиб, 90 мингга етказиш режалаштирилган.

Биргина пойтахт Тошкент шаҳрининг харитаси кенгайиб бормоқда. Аввалги Сергели тумани ҳудудига кирувчи айрим жойлар 3-4 йил олдин очиқ ерлардан иборат бўлган бўлса, қисқа муддат ичида бу ерда минглаб кўп қаватли уйлар қад ростлади, мактаб, боғча ва поликлиникалар қурилди. Умуман олганда, бу ерда янги бир шаҳарча бунёд этилиб, "Янги ҳаёт" номи берилди.

Янги ҳаёт тумани ҳудудига назар солар эканмиз, юртимизнинг қурилиш имкониятларини, қолаверса, Янги Ўзбекистоннинг бутун бўй-бастини кўрамиз. Қисқа муддатда рўй берган бу катта бунёдкорлик ишларига эътибор берсангиз ақлингиз шошади. Замонавий архитектура, бунёдкорлик, ободлик ва шинамликдан инсонлар рози бўлмоқда.

Юзлаб эҳтиёжманд оилалар давлатимиз ғамхўрлиги, қўллаб-қувватлаши сабабли ўз уйига эга бўлди. Янги кўп қаватли уйларнинг атрофи ободонлаштирилди, замонавий қиёфага келтирилди. Ташқи кўркамлик, қулайлик билан бир қаторда сифатга ҳам катта эътибор қаратилди.

Қад ростлаётган янги массивларнинг муҳандислик-коммуникация тизимларини барпо этиш баробарида аҳолининг узоғини яқин қилиш мақсадида транспорт хизматини янада яхшилаш ишлари олиб борилмоқда.

Пойтахтимиз жамоат транспортида метрополитеннинг ўрни жуда катта. Унинг қамровини кенгайтириш мақсадида, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ерусти метроси вужудга келди.

Ўтган йилларда бу улкан лойиҳанинг биринчи босқичи ва Сергели йўналиши очилган эди. Жорий йилда иккинчи босқич – Қўйлиқдан Сергелигача бўлган ерусти метроси қуриб битказилди.

Куни кеча Президентимиз ушбу транспорт иншоотини бориб кўрди, жамоатчилик вакиллари билан бирга метрода юрди.

**"2017 йилда бу лойиҳани бошлаганимизда ишонмаганлар ҳам бўлган эди. Мана, Худога шукур, еросги ва ерусти метро йўллари боғланиб, ҳалқага айланди. Тўғри, оғир бўлди. Лекин халқимизга хизмат қиладиган, тарихда қоладиган йўл бу. Одамларимиз, фарзандларимиз бунда юриб, давлатдан рози бўлса, ниятимизга етган бўламиз"** деди давлатимиз раҳбари.

Мазкур иккинчи босқич доирасида 12 километр эстакада йўл ва 7 та бекат барпо этилган. Бу оралиқдаги қатнов вақти 15 дақиқани ташкил этади. Бир кунда 40 мингдан ортиқ йўловчига хизмат кўрсатилади. Умуман, бугун Тошкент метрополитенининг жами узунлиги 70 километрдан ошди. Шундан 38 километри 1977 йилдан кейин бунёд этилган бўлса, охирги 7 йилда 32 километр метро йўли қурилди. Бекатлар сони 50 тага етди. Метрода юрувчи кунлик йўловчилар сони 750 мингга етиши кутилмоқда.

Бундан ташқари, жорий йилда пойтахтимизга мингта автобус олиб келинди. Натижада жамоат транспортидан кунига 1 миллион 400 минг нафаргача йўловчи фойдаланмоқда. Бу шахсий транспортларга эҳтиёжни, пировардида кўчаларда тирбандликни камайтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Истиқлол яратган ва яратаётган бунёдкорликнинг бор-йўғи бир шингили ҳақида сўзладик. Дарвоқе, мустақиллик одамларнинг тафаккур тарзи ва дунёқарашини ўзгартириб қолмасдан, шаҳар ва қишлоқларимиз файзу тароватини ҳам янгиламоқда. Турмушимизга файз ва барака кирмоқда. Улуғ аждодларимизнинг орзу-армонлари ушалиб, уларнинг пок дуолари ижобат бўлаётир. Бу жараён одамларда ўз Ватанига эгалик, барча ишларда поклик ва ҳалоллик туйғусини ардоқламоқда, ҳаётга нисбатан соғлом муносабатни шакллантирмоқда.

Биз бугун энг азиз ва муқаддас бўлган мустақиллик байрамимизни нишонлар эканмиз, ҳеч шубҳасиз, ўтган ўттиз икки йил давомида эришган барча ютуқларимиз замирида мамлакат раҳбари томонидан барча соҳалар бўйича аниқ ишлаб чиқилган, илмий асосланган устувор йўналишлар муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаш зарур. Бу борада олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар, сўзсиз, Ўзбекистон жамиятини янада барқарорлаштиради, мамлакатимизни дунёдаги энг ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқади. Бунга ҳеч қандай шубҳа йўқ.

Мустақиллик яратган неъматлар – бизнинг тинчлигимиз ва осойишталигимиз, муттасил давом этаётган бунёдкорлигимиздир. Шундай замон абадий бўлсин!

# ҲАРБИЙЛАРГА ЯНГИ УЙЛАР ТОПШИРИЛДИ

**Ҳилола ИСМАТОВА,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Навоий шаҳрида 30 нафар ҳарбий хизматчига янги қурилган кўп қаватли уйларнинг калити тантанали равишда топширилди. Ўз уйига эга бўлганлар учун Мустақиллик байрами чин маънода қўшалоқ тантанага айланди.**

Маросимда янги хонадон эгалари, фахрийлар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этишди. Унда сўзга чиққан Навоий шаҳар ҳокими Д. Эргашев, Марказий ҳарбий округ қўшинлари қўмондони ўринбосари Ф. Қодиров ва бошқалар юртимизда ҳарбий хизматчилар учун яратилаётган имкониятлар ҳақида сўз юритишди.

– Йигирма икки йилдан буён ҳарбий хизматдаман, – деди Бурхон Хидиров. – Тўрт нафар фарзандим бор. Шу кунга қадар ижарада яшардик, бугун ўз уйимизга эга бўлдик. Ипотека кредити асосида харид қилган уйимиз умумий қийматининг 25 фоизини дастлабки бадали тўлаб берилди. Албатта, янги уйларга кўчиб ўтганимиз эл-юрт тинчлиги ва осойишталигини сақлаш йўлида хизмат қилаётган ҳарбий хизматчиларга кўрсатилган ғамхўрликдан далолатдир.



**Мустақиллигимизнинг 32 йиллиги байрами арафасида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги тизимидаги 30 нафар ҳарбий хизматчига Гулистон шаҳрида қурилган кўп қаватли янги уйлардан хонадонлар тантанали равишда топширилди.**

Сирдарё вилояти ҳокими, ҳарбий-маъмурий сектор раҳбари Акмалжон Маҳмудалиев йиғилганларни байрам билан қутлаб, кейинги йилларда миллий армиямизнинг жанговар салоҳиятини юксалтириш, ҳарбий хизматчиларнинг яшаш шароити, уларнинг оила аъзоларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

– Мустақиллигимизнинг 32 йиллик байрами оиламизга қувонч олиб келди, – дейди ҳарбий хизматчи Ё. Пиримқулов ЎзА мухбири Ш. Суяровга. – 14 йилдан буён оилам билан ижара уйларда яшаб келаман. Менга ҳукуматимиз томонидан Гулистон шаҳар марказида барпо этилган янги уйдан 3 хонали хонадон тақдим этилди. Рафиқам ва уч нафар фарзандим қувончининг чеки йўқ. Ҳукуматимиз, Президентимиз томонидан биз ҳарбийларга бўлган эътибор, ғамхўрликдан бошимиз кўкка етди.



O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№78-79 (731-732) 2023 йил 1 сентябрь




**ТОНГЛАРИ ФАРАХБАХШ, ТУНЛАРИ ОСУДА ЮРТИМИЗ АҲЛИГА БАЙРАМ МУБОРАК БЎЛСИН!**

**ОБОД ЮРТИМИЗДАН ТИНЧЛИК-ТОТУВЛИК, ЮРТДОШЛАРИМИЗДАН АҲИЛЛИК АРИМАСИН.**

**ЭЗГУ БАЙРАМ АРАФАСИДА БАРЧА РЕЖАЛАРИНГИЗ АМАЛГА ОШИБ, ФАОЛИЯТИНГИЗГА МУВАФФАҚИЯТ ЁР БЎЛИШИНИ ТИЛАЙМИЗ.**

**“QISHLOQQURILISHLOYIHA” МЧЖ ЖАМАОСИ**


O‘zGASHKLITI
Истиқлолимизнинг
32 йиллиги
барча юртдошларимизга
муборак бўлсин!


«O‘ZSHAHARSOZLIK LITI»
давлат унитар корхонаси жамоаси
Гўзал юртимизнинг энг қувончли кунларидан бири –
Мустақиллик байрами
барча юртдошларимизга қутлуғ бўлсин!
32
Шаҳару қишлоқлари кундан-кун чирой очаётган обод манзилларни
яратишдек масъулиятли касбингизда омад сизларга доим ёр бўлсин!


«ШАҲАРСОЗЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ ЭКСПЕРТИЗАСИ» ДУК
ва унинг филиаллари жамоалари
Истиқлолимизнинг
32
йиллиги
барча
юртдошларимизга
муборак бўлсин!
Янги ҳаёт учун,
Янги Ўзбекистон учун!


ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
ЖОНАЖОН ЮРТИМИЗ АҲЛИГА БУГУНГИ АЙЁМ МУБОРАК БЎЛСИН!
БАРЧАНГИЗГА ОМАД ВА БАХТ, СОҒЛИҚ ВА САЛОМАТЛИК ТИЛАЙМИЗ. ТИНЧЛИГИМИЗГА АСЛО КЎЗ ТЕГМАСИН!
32


"ТАШГИПРОГОР" АЖ
Ватанимиз мустақиллигининг 32 йиллик тантанаси барчангизга қутлуғ бўлсин! Байрамлар яраштан юртимиздан файзу барака асло аримасин. Осмонимиз мусаффо, тинчлигимиз абадий бўлсин!

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№78-79 (731-732) 2023 йил 1 сентябрь









# Йўлларимиз байрамга шай

**Райҳона ХЎЖАЕВА,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Бугун юртимизнинг барча ҳудудида байрам шукуҳи кезмоқда. Мамлакатимизда энг улуғ ва энг азиз байрамни муносиб қарши олиш ва нишонлашга ҳар бир соҳада ўзгача ҳозирлик кўрилиши анъанага айланган. Хусусан, Автомобиль йўллари қўмитаси томонидан ҳам автомобиль йўллари ва йўл иншоотлари ҳудудларини ободонлаштириш мақсадида 350 дан ортиқ бригада ташкил қилинган.**

Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 21 июлдаги 459-Ф-сонли фармойишига асосан, Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 32 йиллигини кенг нишонлашга пухта тайёргарлик кўриш, ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари кўламини янада кенгайтириш мақсадида “Ободонлаштириш ойлиги” ўтказиш доирасида Автомобиль йўллари қўмитаси томонидан аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинган. Айни пайтда бу борадаги ишлар жадаллик билан давом эттирилмоқда.

Ҳозирга қадар мавжуд 42 869 километр узунликдаги умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари, 7 229 дона кўприк иншооти, 10 101 дона автобус бекати, 277 918 дона йўл белгиси, 6,8 млн дона дарахт, 1,8 млн дона бута, 90, 2 млн $м^2$ яшил майдон ва бошқа йўл инфратузилмаси объектида бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Автомобиль йўллари ва йўл иншоотлари ҳудудларини ободонлаштириш ишлари юзасидан ташкил қилинган бригадаларга 10 500 нафардан ортиқ ишчи жалб қилинган. Бригадаларнинг ҳар бир ҳудуднинг жойлашув ўрни, иш ҳажми ва ҳудудларнинг майдонидан келиб чиқиб ташкил қилингани эса ишларнинг жадаллик билан бажарилишига замин яратмоқда.

Шунингдек, ойлик доирасида 6 494 дона йўл туташмалари ободонлаштирилиб, 3 443 километр узунликдаги йўл ёқаси мустаҳкамлаш ишлари бажарилди. 2 884 дона кўприк ва йўл ўтказгичлар ҳудудида тозалаш ҳамда ободонлаштириш амалга оширилиб, 517 км пиёдалар йўлаги таъмирланди. 26 112 дона эскирган йўл белгиси янгисига алмаштирилиб, 6 405 дона қўшимча янги йўл белгиси ва йўл кўрсаткичи ўрнатилди, 14 493 километр йўл ҳамда 1 923 та пиёдалар ўтиш жойида ётиқ чизиқлар чизилди.

Булардан ташқари, сел ва тошқинлар доимий равишда кузатиладиган ҳудудлардаги автомобиль йўлларида жойлашган кўприклар ва қувурларда сув ўтказувчанлигини яхшилаш мақсадида кенг кўламдаги тозалаш ишлари ҳам амалга оширилди. Айни пайтда республикамизнинг тоғли ҳудудларидан ўтган автомобиль йўлларига қулаш хавфи бўлган тоғ жинслари ва тупроқларни олиб ташлаш ишлари давом этмоқда.

Бир сўз билан айтганда, таъмирлаш ва бунёдкорлик йўналишидаги барча ишлар Автомобиль йўллари қўмитаси томонидан белгиланган аниқ чора-тадбирлар асосида давом эттирилмоқда. Демак, йўлларимиз байрамни кутиб олишга шай ҳолатда, десак арзийди.

## ТУҒИЛГАН КУНИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

### Сентябрь ойининг илк ҳафтасида таваллуд айёмларини нишонлаётган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Юридик таъминлаш бўлими етакчи юрисконсульти **Нодир Абдуалиев,** Ичимлик ва оқова сув тизимларини эксплуатация қилиш ва ривожлантириш бошқармаси бош мутахассиси **Баҳодиржон Ортиқбоев,** хизмат хоналари фарроши **Гулноза Юнусова,** “Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУК ҳайдовчиси **Маҳамаджон Муҳрумджанов,**

Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши Қашқадарё вилояти ҳудудий Кенгаш раиси **Боймурод Мейлиев,**

“Ташгипрогор” АЖ бошқарув бўлими бош муҳандиси **Шуҳратжон Раҳимов,** Фойдаланиш ва техник бўлими ҳайдовчиси **Ҳабибулла Шаимов,** Алоқа ва сигнализация сектори муҳандиси **Шоҳиста Кадирова,**

Бухоро вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси бошлиғи **Соҳибжон Джумаев,** Қоракўл тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бош мутахассиси **Илҳомжон Қиличев,**

Жиззах вилояти Ғаллаорол тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бош мутахассиси **Беҳзод Мамараимов,** Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси Бино ва иншоатларни техник ҳолатини ўрганиш бўлими бошлиғи **Шоҳрух Солиев,**

Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги кадрлар ва махсус ишлар бўйича инспектори **Шарипа Абдразиева,** Элликқалъа тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими шаҳарсозлик қонунчилигига риоя этиш устидан назорат олиб бориш бўйича архитектори **Умар Абдираманов,**

Навоий вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси таркибидаги Архитектура режалаштириш топшириқларини ишлаб чиқиш бўлими етакчи мутахассиси **Феруза Балтабаева,**

Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси ички аудит ва комплаенс назорат бош мутахассиси **Хуршед Ҳакимов,** Жомбой тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи **Зоҳиджон Турдиев,**

Тошкент вилояти Оҳангарон шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи – бош архитектор **Азамат Исмаилов,**

Тошкент шаҳар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси Матбуот хизмати ходими **Сабиржан Саидов,**

Хоразм вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси туман (шаҳар) архитектура ва қурилиш бўлимлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи **Шерзод Аметов,** Боғот тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи – туман бош архитектори **Санжарбек Шарипбоев,**

Қашқадарё вилояти Нишон туманидаги “Nuriston Kelajagi Boshqaruv Servis Kompaniyasi” МЧЖ бош директори **Нормўмин Менглиев,**

Наманган вилояти Давлатобод туманидаги “New Stroy Profissional Kompaniyasi” МЧЖ бош директори **Раҳматулло Сайфиддинов,**

Сурхондарё вилояти Термиз шаҳридаги “Temur-Termez-Servis” МЧЖ бош директори **Татяна Рузиева,** “Sardorbek Elnur Termez” МЧЖ бош директори **Саломат Мейлиева,**

Тошкент вилояти Зангиота туманидаги “Зангиота уй-жой калитли қурилиш” МЧЖ бош директори **Абдумурод Қодиров,**

Тошкент шаҳар Миробод туманидаги “Oltinko‘L Kommunalchi” МЧЖ бош директори **Ольга Гольдварт,** Мирзо Улуғбек туманидаги “Navnihol Kommunal” МЧЖ бош директори **Зульфия Таджимуратова,** “Oqqo‘rg‘on Servis” МЧЖ бош директори **Татьяна Безбородова**ларни таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

**УЛАРГА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК, УЗОҚ УМР, ОИЛАВИЙ ХОТИРЖАМЛИК, МУСТАҲКАМ СОҒЛИҚ ТИЛАЙМИЗ!**

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ УНИВЕРСИТЕТИ ТАСАРРУФИДАГИ

**САМАРҚАНД АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ТЕХНИКУМИ**

**2023-2024 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАРГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!**

**КУНДУЗГИ ТАЪЛИМ ШАКЛИ**

1. Архитектура
2. Бино ва иншоотлар қурилиши
3. Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш техниги (турлари бўйича)
4. Электр ва электромеханик ускуналарни техник эксплуатация қилиш ва хизмат кўрсатиш (тармоқлар бўйича)
5. Компьютер инжиниринг
6. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит
7. Енгил саноат буюмлари конструкцияси ва технологияси (ишлаб чиқариш турлари бўйича)
8. Геодезия ва картография (функциялар бўйича)
9. Электр кўтаргич (лифтлар) монтажчиси

**СИРТҚИ ТАЪЛИМ ШАКЛИ**

1. Бино ва иншоотлар қурилиши
2. Электр ва электромеханик ускуналарни техник эксплуатация қилиш ва хизмат кўрсатиш (тармоқлар бўйича)
3. Уй-жой ва коммунал хўжалиги сервиси
4. Газ жиҳозларидан монтаж қилиш, фойдаланиш ва таъмирлаш устаси

**ЎҚИШ МУДДАТИ 2 ЙИЛ.**

Техникумнинг кундузги таълим шаклини муваффақиятли тамомлаган битирувчилар ўз соҳасига мос бакалавриат таълим йўналишлари бўйича кириш имтиҳонларисиз якка тартибдаги суҳбат орқали олий таълим муассасаларида тўлов контракт асосида 2-курсдан ўқишини давом эттириш ҳуқуқига эга.
2023–2024 ўқув йилидан бошлаб техникумга ўқишга топширган хотин-қизлар тўлиқ грант асосида ўқийди.

**МАНЗИЛ:**
Самарқанд шаҳри, “Илимобод” МФЙ, Ғоффор Каримов кўчаси, 7-уй.

**МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:**
66-222-31-04, 91-525-94-20, 90-286-27-77, 91-538-12-93

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№78-79 (731-732) 2023 йил 1 сентябрь

# БУНЁДКОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ МАНЗИЛИ

**Баҳодир КАРИМОВ,** Хоразм вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бошлиғи.

**Мамлакатимиз истиқлолга эришганига 32 йил тўлмоқда. Бу муддатни бир инсоннинг айни етуклик даврига қиёсласак, арзийди. Бу йиллар давомида Хоразм вилоятида ҳам кўплаб истиқлол иншоотлари қад ростлади. Замонавий ва шинам иморатлар нафақат вилоят қиёфасига кўркамлик, балки аҳолига ҳам кўтаринки кайфият бағишлаётгани қувонарли, албатта. Энг муҳими, бу каби бунёдкорликлар ҳажми сўнгги йилларда янада ортди.**



Хусусан, 2022 йилдаги энг йирик бунёдкорлик ишлари ҳақида гапирилганда Президентимиз ташаббуси билан қад ростлаётган "Янги Ўзбекистон" массивларини айтиш ўринлидир. Хоразм вилоятида ўтган йилда "Янги Ўзбекистон" массивларида 22 та 528 хонадонли кўп квартирали турар жойлар қурилиши белгиланган. Жумладан, Янгиариқ туманидаги "Дўстлик" МФЙда 8 та 160 хонадонли, Хонқа тумани "Ёш куч" МФЙда 9 та 268 хонадонли ва Тупроққалъа тумани "Обод" МФЙда 5 та 100 хонадонли уй-жойлар қурилиши режалаштирилган эди. Бугунги кунда 22 та 528 хонадонли уй-жойлар фойдаланишга топширилди.

Вилоятимиздаги бунёдкорлик ишлари ҳақида гап кетганда, юртимиз миқёсидаги муҳим иншоот – "Ал-Хоразмий" шаҳарчаси қурилишига алоҳида тўхталиш лозим, деб ўйлайман. Президентимизнинг вилоятга ташрифи давомида Хоразм вилоят ҳокимлиги томонидан "Ал-Хоразмий" шаҳарчасини барпо қилиш таклифи киритилиб, унинг бош режа таклиф лойиҳасининг тақдимоти ўтказилганидан хабарингиз бор. Бу борада Президентимиз томонидан қўшимча топшириқ ва таклифлар ҳам билдирилган эди. Ушбу топшириқларга асосан, "Ал-Хоразмий" шаҳарчасини барпо этиш учун Урганч туманидаги Чаккашоликор қишлоғининг Урганч шаҳри билан чегарадош ҳудудидан 130,56 гектар ер майдони танлаб олинди. Бош режа таклиф лойиҳасига кўра, "Ал-Хоразмий" шаҳарчаси ҳудуди 100,0 гектар ва 30,56 гектар эса ишлаб чиқариш ҳудудини ташкил қилади.

Бош режа таклиф лойиҳасида Ал-Хоразмий номидаги IT университети, IT Академияси ва умумтаълим мактаби, Ал-Хоразмий маркази, Технопарк, Инновация ва маданият марказлари, Мактабгача таълим муассасаси, тиббиёт маркази, спорт мажмуаси, Ипотека маркази, Рақамли вазиятлар маркази, кўп қаватли автотураргоҳ, савдо ва хизмат кўрсатиш бинолари ҳамда муҳтарам Президентимизнинг алоҳида кўрсатмалари асосида "Ёш заковатчилар" мактаби қурилиши кўзда тутилган. Бундан ташқари, Ал-Хоразмий шаҳарчаси ҳудудида жами 104 та 3 624 хонадонли кўп қаватли турар жой бинолари қурилиши режалаштирилган бўлиб, уларнинг 6 таси 16 қаватли, 17 таси 12 қаватли, 6 таси 9 қаватли, 75 таси эса 5 қаватли уй-жойларни ташкил қилади. Ҳозирда барча турар жой биноларида қурилиш-монтаж ишлари олиб борилмоқда. Ушбу уй-жойлар қурилиши босқичма-босқич амалга оширилиши белгиланган бўлиб, жорий йилда 27 та 709 та хонадонли уй-жойлар фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

Булардан ташқари, Президентимизнинг "2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан ҳам вилоятимизда катта ўзгаришлар рўй бермоқда. Ушбу қарорга асосан, жами 280 та объектда қурилиш, реконструкция ва таъмирлаш ишларини олиб бориш учун 167,2 млрд сўм маблағ ажратилиши кўзда тутилган бўлиб, барчаси фойдаланишга қабул қилинган. Хусусан, 2 та умумтаълим мактаби, 29 та ичимлик тармоқлари, 129 та ички йўллар, 47 та электр тармоқлари, 34 та пиёдалар йўлакчаси, 11 та МФЙ, 12 та тунги ёритиш ва 16 та ирригация тармоқларида қурилиш-бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

Жорий йил Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 13 апрелдаги "2023 йилда бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлаш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-51-сонли Фармони бўйича ҳам бир қатор ишлар бажарилмоқда. Дастурга мувофиқ, 2023 йилда Хоразм вилоятида жами 144 та 4246 хонадонли кўп қаватли уй-жойлар қурилиши белгиланган. Шундан, 70 та 1725 хонадонли уй-жойлар "Янги Ўзбекистон" массивларида, 74 та 2521 хонадонли уй-жойлар уй-жойга талаб юқори бўлган бошқа ҳудудларда барпо этилиши режалаштирилган. Жорий йилнинг ноябрь ойигача барча уй-жойларни фойдаланишга қабул қилиш кўзда тутилган.

Инвестиция дастури бўйича олиб борилаётган ишлар ҳам вилоятимиз тараққиётида муҳим аҳамиятга эга бўляпти. Ушбу дастурга асосан, жорий йилда Хоразм вилоятида 96 та объектда қурилиш, реконструкция ва таъмирлаш ишларига 871,8 млрд сўм маблағ ажратилиши кўзда тутилган. Жумладан, ушбу маблағлар 11 та мактаб, 1 та ихтисослашган мактаб, 3 та тиббиёт, 8 та мактабгача таълим ташкилоти, 3 та олий таълим, 1 та спорт, 1 та маданият, 1 та илм-фан ва инновация, 22 та ичимлик суви ва канализация, 6 та иссиқлик, 14 та автомобиль йўллари, кўприклар ва йўл ўтказгичлар, 9 та ирригация тармоқлари ва иншоотлари, 3 та мелиорация тармоқлари ва иншоотлари, 9 та ЭИЗ (махсус зоналар) ва 4 та бошқа объектларни барпо этишга йўналтирилади. Шундан, 38 таси йилдан-йилга ўтувчи, 58 таси эса янгидан бошланувчи объектларни ташкил қилади.

Бугунги кунда ижтимоий соҳа объектлари, жумладан, 11 та мактаб, 8 та боғча, 3 та тиббиёт муассасаси тўлиқ фойдаланишга топширилган. Қолган объектлар ҳам йил якунига қадар фойдаланишга топширилиши режалаштирилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, бугун юртимизда амалга оширилаётган кенг ислоҳотларда жонкуяр хоразмликларнинг ҳам ўзига яраша ҳиссаси борлиги барчамизга ўзгача ғурур ва ифтихор бағишлайди. Айниқса, энг улуғ ва энг азиз байрам арафасида бу кўтаринки кайфият халқимиз шуурида ҳам акс этаётгани янада қувонарлидир. Бугун янги уйларда яйраб яшаётган хоразмликларнинг ҳаётидан мамнунлиги, турмушидан розилигини кўриб, бу қувончда биз бунёдкорларнинг ҳам ҳиссамиз борлигидан фахрлансак, арзийди.

# ФАРҒОНА: ҚУРИЛИШДАГИ ЯНГИ ДАВР

**Лазизхон ПОЗИЛОВ,** Фарғона вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бошлиғи.




**Ўзбекистон кундан-кунга ривожланиб бораётган, юксак чўққилар сари шахдам кўтарилаётган, ўзини ҳар соҳада жаҳонга танитаётган давлат. Эътироф этиш керак, мамлакатда рўй бера бошлаган ислоҳотлар тўлқинида Фарғонага ҳам янги нафас, янги ҳаёт кириб келди. Бу йиллар фарғоналиклар учун янги тараққиёт йиллари – Янги Фарғона даври бўлди.**

Айниқса, қурилиш ва уй-жой тармоқларини жадал ривожлантириш ва янги иш ўринлари яратиш, камбағалликни қисқартириш ҳамда аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, тиббий хизматлар ва таълим сифатини жаҳон стандартларига мослаштириш, шаҳар ва қишлоқларни ободонлаштириш борасида эришилган натижаларни ҳар бир фарғоналик ўз ҳаётида сезди, ҳис этди. Қисқа муддатда вилоятнинг ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми қарийб 56 триллион сўмга етди. Президентимизнинг таклифига кўра, қурилиш материалларини ишлаб чиқариш Фарғонанинг драйвер соҳаларидан бирига айланди. Таъкидланганидек, бир пайтлар 50 миллион доллар хорижий инвестиция олиб кириш муаммо бўлган Фарғона вилоятига биргина 2022 йилнинг ўзида 957,4 миллион доллар инвестиция жалб қилинди. Экспорт ҳажми эса 2 баробар кўпайди.

Давлатимиз раҳбарининг Янги Ўзбекистонни бунёдкорлик майдонига айлантиргани бугун Фарғона вилояти мисолида яққол кўзга ташланади. Бир пайтлар янги уйлар 2-3 йилда бир қурилган бўлса, ҳозир вилоятда 6 ойда бутун бошли шаҳарча барпо этишга эришдик. Янги Ўзбекистон массивлари барпо этилишида "Бағдод тажрибаси" андоза қилиб олинди. Айни пайтда Фарғона вилоятининг учта ҳудуди – Фарғона шаҳри, Фарғона ва Ёзёвон туманларида "Янги Ўзбекистон" массивлари қурилиши жадаллик билан олиб борилмоқда. Ташаббусга кўра, Ёзёвон туманининг "Юқори Сойбўйи" МФЙда 49,0 гектар ер майдонида қад ростлаётган "Янги Ўзбекистон" массивида 138 та 5 ва 7 қаватли замонавий уйлар қурилиши режалаштирилган. Ҳозирда қарийб 300 хонадондан иборат 10 та кўп қаватли турар жойлар, 420 ўринли мактабгача таълим ташкилоти, 990 ўринли мактаб, 250 ўринли кўркам маданият уйи, тиббиёт муассасаси, хизмат кўрсатиш шохобчалари барпо этилмоқда.

Шунингдек, 3,8 гектар майдонда "Янги Ўзбекистон" боғи ҳам яратиляпти. Фарғона тумани Янги Аср массивида эса 300 хонадондан иборат 10 та кўп қаватли турар жойлар, 2 та 420 ўринли мактабгача таълим ташкилоти, 990 ўринли мактаб, тиббиёт муассасаси, хизмат кўрсатиш шохобчалари қад ростламоқда. Бундан ташқари, Фарғона шаҳрида қад ростлаётган Эко шаҳар ҳудудидаги "Янги Ўзбекистон" массивининг дастлабки босқичида 2 минг 800 хонадондан иборат 80 та кўп қаватли уйлар қурилиши жадал суръатда олиб борилмоқда. Мустақиллик байрами арафасида бир гуруҳ ҳамюртларимизнинг янги уйларга кўчиб ўтиши режалаштирилган.

Санайверсак, муваффақиятли одимларнинг саноғига етиш мушкул. Муҳими, бундай салмоқли натижаларга қандай заҳмат ва меҳнат, катта куч билан эришилаётганини халқимиз, хусусан, ёшларимиз теран англаб бормоқда. Одамларнинг эртанги кунга ишончи тобора мустаҳкамланиб, бугунидан розилик ҳисси, ислоҳотларга дахлдорлик туйғуси ошмоқда. Шу боис, ҳаёти, тақдири, келажагидан кўнгли тўлиб, чинакам бахтни ҳис этаётган юртдошларимиз мамлакатимиздаги ислоҳотларда фаол иштирок этишга шай кайфиятда яшамоқда.



# СИРДАРЁ ЯНАДА КЎРКАМ ВА ОБОД ҲУДУДГА АЙЛАНМОҚДА

**Азиз ХУДАЙНАЗАРОВ,** Сирдарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бошлиғи.

**Сўнгги йилларда юртимизнинг турли ҳудудларида кўплаб бунёдкорликлар ва уй-жой коммунал соҳасида қатор ислоҳотлар амалга оширилди. Хусусан, бу ислоҳотлар Сирдарё вилоятини ҳам четлаб ўтгани йўқ. Булардан кўзланган мақсад эса ягона – жонажон юртимизни янада обод ва фаровон гўшага айлантириш ҳамда аҳолига қулай шарт-шароитлар яратиб беришдир.**

Қайд этиш жоизки, Президентимизнинг 2022 йил 25 октябрдаги "2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-408-сонли қарори ижроси бўйича вилоятимизда 122 та маҳалладаги 158 та объектда 137,1 млрд сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга ошириш белгиланган. Хусусан, ички йўлларни таъмирлаш бўйича 115,8 километр йўллар қуриш, ичимлик ва оқова сув бўйича 55 та объектда 172,79 километр тармоқ ва 56 дона сув иншоотини қуриш ва реконструкция қилиш, шунингдек, электр энергия таъминоти бўйича 5,6 млрд сўмлик 21 та объектда 28,1 километр тармоқ, 1 061 дона бетон устун ва 7 дона трансформатор ўрнатиш шулар жумласидандир.

Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида юқоридаги режа асосида 41 та ички йўлларнинг 111,5 километр қисмида таъмирлаш ишлари бажарилиб, цемент-бетон, асфальт-бетон, шағал ётқизилди. 55 та ичимлик ва оқова сув объекти тармоқлари янгиланиб, 52 дона сув минораси қурилди, 20 дона тик қудуғи қазилди, 31 дона ТП ўрнатилди. 63,6 километр узунликдаги электр узатиш линиялари, 1074 дона темир-бетон устунлар ва 15 дона трансформатор пунктлари ўрнатилди. 7 та газ таъминотида 13,9 километр тармоқлар тортилиб, 702 та хонадонга табиий газ истеъмоли учун электрон газ ҳисоблагич ускуналари ўрнатилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқоридаги қарорига асосан, 33 та объектда қурилиш-монтаж ишларини бажариш режалаштирилган эди. Бугунги кунда ушбу объектларда 106 трлн 83,3 млн сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Бугунги кунда 134 та объект фойдаланишга топширилган. Шундан, 41 та йўл, 55 та сув, 21 та электр энергия, 7 та газ таъминоти ва 29 та бошқа объектларда бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. 41 та ички йўллар таъмирланиб, 55 та ичимлик ва оқова сув объектларида 165,8 километр ичимлик сув ва 1,4 километр оқова сув тармоғи тортилди. 52 дона сув минораси қурилиб, 20 дона тик қудуғи қазилди, 31 дона ТП ўрнатилди.

Аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш мақсадида, вилоятда 124,3 млрд сўм маблағ ҳисобига 117 та маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида ичимлик суви, йўл, табиий ва суюлтирилган газ, электр энергия, соғлиқни сақлаш, бандликни таъминлаш ва уй-жой муносабатлари йўналишларида ҳам қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 18 та маҳаллада 50 км ичимлик суви тармоқлари тортилди. 4 дона янги тик қудуғи қазилди ва 7 дона мавжуд тик қудуғи қайта тозаланди. 10 дона сув минораси ва 7 дона ТП ўрнатилди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 6 августдаги "Ажратиладиган маблағлар доирасида инфратузилмасини ривожлантириш ишлари олиб бориладиган маҳаллалар рўйхати ва уларда амалга ошириладиган қурилиш-таъмирлаш ишлари бўйича маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш дастури муҳокамаси тўғрисида"ги 435-сонли қарорига асосан, 174 та кўчада жорий таъмирлаш, 61 та кўчада ичимлик суви тармоқлари ва 4 та суғориш тизими қуриш ҳамда таъмирлаш режалаштирилган. Бугунги кунда 22 та объектда 236 трлн 66,9 млн сўм маблағ эвазига жорий таъмирлаш ишлари бажарилган.

Бир сўз билан айтганда, Сирдарёда йил сайин катта ўзгаришлар рўй бермоқда. Вилоятимизда янгидан янги бино ва иншоотлар қад ростлаб, аҳолининг фаровон ҳаёт кечириши учун муносиб шароит яратилмоқда. Бу борада аҳолининг мавжуд муаммолари ўрганилиб, жойида бартараф этилаётгани ҳам уларнинг ҳаётидан розилигига сабаб бўляпти.



# КАСБИДАН БАХТ ТОПГАН ИНСОН

**Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Халқимизда “Меҳнатнинг таги роҳат”, “Меҳнат бахтга белайди” сингари доно фикрлар бугун ҳаётимизда ўз исботини топмоқда. Буни ўз бахтини меҳнатидан топаётган Қорақалпоғистоннинг энг олис ҳудудларидан бирида туғилган оддий инсон – Исмайл Мамутов мисолида кўришимиз мумкин.**

Исмайл кичкиналигидан овулдаги пахта ва шоли далаларида ҳаракатланаётган, катта ариқларни қазиётган техникаларнинг кучига, ҳайдовчиларнинг маҳоратига ҳайрон қолар эди. Шу-шу, ёшлигидан техникага бўлган қизиқиши ортиб борди. Техник-механик йўналиши бўйича техникумни тамомлагач, дастлабки иш фаолиятини Қорақалпоқсувқурилиши бошқармаси Тахтакўпир тумани кўчма механизациялаштириш колоннасида бульдозер ҳайдовчилигидан бошлади. Исмайл Мамутов бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигига қарашли Тахтакўпир тумани ирригация бўлимида экскаватор-машинист сифатида ишлаб келмоқда.

Исмайл ушбу соҳада ўттиз йилдан зиёд тажрибага эга меҳнаткаш ходим сифатида ҳамкасбларининг ҳурматини қозонган. Шу йиллар давомида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшиб келмоқда. Қорақалпоғистон Республикасининг деярли барча туманлари ва олис ҳудудларида, жумладан Бостан канали, Арнасай канали, Дослық канали, Ақшадарья каналларида йирик ҳажмдаги қазиш ишларида иштирок этган. Ўз ишининг устаси, моҳир техник фидокорлиги, меҳнатсеварлиги, софдиллиги билан меҳнатидан қадр топиб келмоқда.

– Муваффақиятга эришишнинг асосий омилларидан бири – бу жавобгарликни ҳис қилиш, – деди Исмайл Мамутов. – Ўзингга ишониб топширилган техникани кўз қорачиғидек асраб-авайлаш иш унумдорлигининг асосидир. Ёқилғини ҳам тежаб ишлатиш зарур. Оддий эҳтиётсизлик оқибатида захира бўлаги зарур бўлиб қолиши, вақтдан ютқазиш иш самарадорлигига катта зарар келтиради. Шу боис, канал қазиш, ерларни текислаш ишларида ҳайдовчидан катта моҳирлик, билим, тажриба талаб қилинади. Йирик каналлар қазилишида иштирок этиб, юртимизнинг энг олис ва чўл ҳудудларига сув етиб боришига ҳисса қўшганимдан жуда ҳам бахтиёрман.

Дарҳақиқат, Исмайл Мамутов ўзининг шунча йиллик меҳнатидан, халқ учун қилаётган ишларидан мамнун. Унинг кўп йиллик ва матонатли меҳнатлари ҳукуматимиз томонидан ҳам қадрланиб, инобатга олинганидан хурсанд. Исмайл Мамутов 2020 йилда “Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги аълочиси” кўкрак нишони билан мукофотланган бўлса, жорий йилда Мустақиллигимизнинг ўттиз икки йиллиги байрами арафасида Президентимиз Фармонига биноан, “Дўстлик” ордени билан тақдирланди.

Камтарона меҳнатининг юқори баҳоланаётганидан ўзида йўқ хурсанд Исмайл Мамутов келгусида



янги марралар сари дадил одимлаши шубҳасиз. Бунга эса унинг куч-ғайрати етарли. Қаҳрамонимизга бу йўлда омад ёр бўлишини тилаймиз.

# “Қурувчилар менинг қанотим” –

## деди “Хива Қурилиш Сервис” кичик корхонаси директори Муҳаммаджон Собиров

**Болтабой МАТҚУРБОНОВ,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Хушхабарнинг қаноти бор, дейишади. Муҳаммаджонга “Дўстлик” ордени берилгани ҳақидаги хабар бир зумда жамоада шов-шув бўлиб кетди.**

Ўзи ҳам бу хабарни ишга келиб эшитди. Шу куни унинг телефони бир зум тинмади ҳисоби. Табриклар, қутловлар... Айниқса, ҳамкасблари, жамоадошларининг қутлови бошқача бўлди. Улар раҳбарини бирма-бир қучоқ очиб, бағрига босиб, қутлашди. Муҳаммаджоннинг қувончи чексиз. Жамоадошларига миннатдорчилик билдирар экан, у шундай деди:

– Бу мукофот сизларники ҳам. Чунки сизларсиз, фидойи меҳнатларингизсиз бундай мукофотлар қайда эди? Сизлар мени қанотимсизлар. Қуш эса қанотсиз учолмайди.

Ҳа, Мустақиллигимизнинг 32 йиллик байрами арафасида “Хива Қурилиш Сервис” кичик корхонаси директори Муҳаммаджон Собиров “Дўстлик” ордени билан мукофотланди. Юртимизни гуллаб-яшнатишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган, бир-биридан чиройли бинолар қуриб, элимиз олқишига сазовор бўлаётган бундай инсонлар ҳар қандай мукофотга лойиқ. Ишонмасангиз, улар қурган иморатларни кўриб, ўзингиз баҳо беринг.



“Хива Қурилиш Сервис” кичик корхонаси 2005 йилда ташкил этилган бўлиб, шундан буён Муҳаммаджон Собиров корхонага раҳбарлик қилиб келмоқда. У узоқ йиллик самарали меҳнати, бой ҳаётий тажрибасига таяниб, республикамизда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва қурилиш соҳасини ривожлантиришга катта ҳисса қўшиб келмоқда. Янги инновацион ва дизайнерлик ғояларини татбиқ қилиб, эл ишончини қозоняпти. Муҳаммаджон халқчил, ватанпарвар, фидойи, ўз касби сирларини чуқур эгаллаган, қатъиятли, билим ва тажрибасини муттасил ошириб борадиган бир сўзли раҳбар. Корхонасида фаолият юритаётган ходимларни ортидан эргаштира олиши, вазифаларни оқилона тақсимлаб, уни амалга оширишни уддасидан чиқа оладиган, ҳар доим уларни руҳан ҳамда моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлайдиган бу инсонни жамоадошлари ҳам ҳурмат қилишади.

Корхона қурувчилари шу йиллар давомида республикамизнинг деярли барча вилоятларида бунёдкорлик ишларини олиб боришади. Жумладан, ташкилот қурувчилари Нукус шаҳар аэропортидаги депутатларни кутиб олиш биноси, Хоразм вилояти ҳокимлиги биносининг мажлислар зали, Урганч шаҳридаги расмий меҳмонлар қабуллар уйи учун 24х24 ўлчамли банкет зали, Термиз шаҳридаги вилоят ҳокимлиги биноси, Термиз шаҳридаги ФХДЁ биноси, Қашқадарё вилояти ҳокимияти биносидаги мажлислар зали, Тошкент шаҳридаги Ўзбекистон Республикаси ИИВ биноси, Тупроққаъла туманининг Питнак шаҳридаги ҳокимият биноси реконструкцияси, Урганч шаҳридаги Хоразм вилояти ИИБ биноси, Урганч шаҳридаги вилоят Солиқ бошқармаси биноси, Хива шаҳридаги Туризм полицияси биноси қурилиш-таъмирлаш ишларини сидқидилдан бажаришган. Шунингдек, Тошкент шаҳридаги Мудофаа вазирлигига қарашли меҳмонхона биноси, Хива тумани прокуратурасининг 80 ўринли биноси, Урганч шаҳрининг А. Баҳодирхон кўчасида жойлашган расмий меҳмонлар қабуллар уйи комплекси, Урганч туманининг Юқорибоғ қишлоғидаги ҳарбий қисм штаб биноси, Хива шаҳридаги Мевастан маҳалласида жойлашган Хоразм Маъмун академияси биноси, Ичанқалъа ҳудудида ёзги масжид ва бошқа объектлардаги бунёдкорлик ишларини ҳам шу жамоа меҳнаткашлари амалга оширган.

Жорий йилда ҳам “Хива Қурилиш Сервис” кичик корхонаси томонидан Хоразм вилояти ҳокимлиги биносини таъмирлаш, қўшимча бино ва иншоот қуриш ҳамда жиҳозлаш ишлари объектида 35,0 млрд сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Ҳозирги кунда шартномавий нархларда Давлат хавфсизлик хизматининг Хива шаҳар бўлимига янги бино қуриш, Хива шаҳрида янгидан Қўғирчоқ театри учун бино, Миллий гвардия қўриқлаш бўлими учун маиший хона қуриш каби бир қанча объектларда бунёдкорлик ишлари бажариляпти.

Кичик корхонада ҳозирги кунда 106 киши меҳнат қилади. Уларнинг 19 нафари олий маълумотли, 28 нафари ўрта махсус маълумотга эга ва 59 нафари малакали усталардан иборат. Бунёдкорлик ишларининг сифатли бажарилишида қаҳрамонимизнинг ҳиссаси катта. Қайси жамоада раҳбар интилувчан, қатъиятли, ташаббускор бўлса, ўша ерда ўсиш, юксалиш бўлаверади. Рағбат ҳам шунга яраша бўлади, албатта. Бундай фидойи бунёдкорларнинг меҳнати беиз қолиб кетмайди.

Муҳаммаджон Собиров 2011 йилда “Шуҳрат” медали билан, 2021 йилда Мустақиллигимизнинг 30 йиллиги кўкрак нишони билан тақдирланган бўлса, бу йил унинг кўксини “Дўстлик” ордени безади.

Меҳнаткаш қурувчига давлатимизнинг юксак мукофоти муборак бўлсин!

# Муносиб эътироф

**Орифжон ИСМОИЛОВ,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг ўттиз икки йиллиги байрами муносабати билан Президентимизнинг тегишли фармонига кўра, кўплаб фидойи юртдошларимиз давлатимизнинг юксак мукофотлари – фахрий унвон, орден ва медаллар билан тақдирланди. Қувонарлиси, уларнинг орасида фарғоналик турли соҳа вакиллари ҳам бор.**



Мустақиллик тантаналари арафасида Фарғона вилояти ҳокимлигида юксак мукофотларни ўз эгаларига топшириш ва уларни шарафлашга бағишланган тадбир ўтказилди. Унда вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров қатнашиб, мукофот эгаларини самимий қутлади. Анжуманда қайд этилганидек, мамлакатимизда янги демократик давлат ҳамда фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида ўтган даврда амалга оширилган улкан ишлар, эришилган юксак натижаларда ҳеч шубҳасиз, ҳаётимизнинг турли соҳа ва тармоқларида фидокорона меҳнат қилаётган юртдошларимизнинг беқиёс ҳиссаси бор. Бундай олижаноб инсонларнинг эл-юрт олдидаги хизматларини эътироф этиш ва муносиб тақдирлаш ватандошларимиз, айниқса, ёшларимизни юксак марралар сари руҳлантириш, улар қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини кучайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизни ҳар томонлама тараққий эттириш ва унинг жаҳон миқёсидаги шон-шуҳратини оширишга катта ҳисса қўшаётган, давлатимиз иқтисодиёти ва аҳоли фаровонлигини юксалтиришда ибрат ҳамда намуна бўлиб келаётган, жамиятимизда тинчлик, барқарорлик, миллатлараро тотувлик, бағрикенгликни таъминлаш, ёш авлодни соғлом ва баркамол инсонлар этиб вояга етказишда алоҳида фидойилик кўрсатаётган юртдошларимиз ҳақли равишда эътирофга, мукофотга лойиқдир.

Хусусан, ана шундай юртдошларимиздан бири – Фарғона шаҳридаги “Safort Konsensus Kommunal” профессионал бошқарув компанияси раҳбари Чарос Камчиева “Шуҳрат” медали билан тақдирланди. Икки нафар ўғилнинг онаси бўлган қаҳрамонимиз 1999 йилдан ҳозирги кунгача коммунал соҳада фаолият юритиб келмоқда. Чарос опа раҳбарлик қилаётган “Safort Konsensus Kommunal” профессионал бошқарув компанияси бугунги кунда Фарғона шаҳридаги Алишер Навоий номидаги МФЙ ҳудудида жойлашган 43 та кўп қаватли уйдаги 2027 та хонадонда яшовчи 8 813 нафар аҳолига сифатли хизмат кўрсатиб келмоқда.

– Фаолиятимиз кўп қаватли уйларни соз ҳолатда сақлаш, таъмирлаш, техник хизмат кўрсатиш, ҳудудларда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини олиб боришдан иборат, – деди Чарос Камчиева. – Аҳолининг кўнглига сифатли хизматимиз орқали йўл топа оляпмиз, деб ўйлайман. Шунингдек, бу йўлда тер тўкиб меҳнат қилишдан тўхтамаймиз. Айтиш жоиз бўлса, олдинда ҳали қиладиган ишларимиз ва режаларимиз кўп.

Ўз навбатида, Чарос опа эътироф ва эҳтиром учун давлатимиз раҳбарига миннатдорчилик билдириб, келажакда ушбу юксак мукофотни ўзининг фидойи хизматлари билан оқлашини айтди.

# 37 йиллик меҳнат маҳсули

**Адҳам ЭГАМБЕРДИЕВ,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Эскидан қулоғимизга ўрнашиб қолган бир нақл бор: дарахт бир жойда кўкаради. Ҳа, инсон сабри кўп ҳикматлар сўнггига қадар етаклаб боради бизни. Бугун ҳам шундай сабрли қаҳрамонимиз ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз. Инсон қалбини ифодалашдай нозик вазифа бўлмаса керак, оламда. Куни кеча мустақиллигимизнинг 32 йиллиги арафасида тақдирланган юртдошларимиз орасида бир киши эътиборимизни тортди.**



“Шуҳрат” медалига лойиқ кўрилган қаҳрамонимиз оддий ҳайдовчи. Бутун қалби билан ўз ишига муҳаббат туйган фидойи инсон. Бу инсон билан суҳбатлашиб, унинг самимий қувончи, сўзларидаги ҳаяжондан беихтиёр кўнглингиз ёришади.

Али Норқулов 1965 йил Навоий вилоятининг Навбаҳор туманида таваллуд топган. Ўрта мактабни тугатиб, 1983-1985 йилларда ҳарбий хизматни ўтади. Армиядан қайтгач, бир ишнинг бошини тутишга шай турган қаҳрамонимизнинг йўли республикамизнинг энг йирик цемент заводига тушади. Шу даврдан бошлаб, қаҳрамонимиз ҳаётида катта саҳифа очилди. Шундан буён ҳозирга қадар у “Qizilqumsement” акциядорлик жамиятининг “БелАЗ” ҳайдовчиси вазифасида ишлаб келмоқда.

Али ака бу ҳақда шундай эслайди:

– Илк бор “БелАЗ” машинасини кўрганимдаёқ менга ёқиб қолганди. Ҳеч бир иш тасодиф эмас эканки, шу-шу “БелАЗ” ҳайдовчисига айландим. 37 йил давомида қалбимда не-не ҳиссиётлар, орзулар кечмади дейсиз. Тўғри, ҳамманинг ҳам улкан марраларга эришгиси келади. Аммо ҳар доим истаганимиз бўлавермайди. Машинанинг кичкина кабинкасида ўтириб, бундай юксак мукофот олиш хаёлимга ҳам келмаганди. Одатда кечаси ишлаймиз. Ҳар хил кун бор: бирда совуқ бўлса, бирда иссиқ. Тун оғушида ўзингиз-ўзингиз билан гаплашиб ишлайверасиз. Аммо ҳеч қачон нолимайман. Президентимизга минг раҳмат, бу мукофотни олганимдан бошим кўкка етди. Ҳамма чарчоқларим чиқиб, ҳаётга нисбатан шукроналик ҳисси ортди. Фаолиятим давомида баъзан ойлаб маошсиз, дам олмасдан ишлаган пайтларимиз бўлди. Аммо ота-онам сабр қилишимни, дарахт бир жойда кўкаришини таъкидлашарди. Уларнинг сўзини тутиб, амал қилиб, кам бўлмадим.

Али ака билан қисқа фурсатли суҳбатимиз мазмунли бўлди. Ўзи оддийгина телефон тутсада, фарзандларини олий маълумотли қилаётган бу фидокор, оққўнгил инсон ҳар қанча эътирофга лойиқлигига амин бўлдик. Йиллар давомида ўз йўлидан оғишмай, касбига, йўлига сабр қиладиган инсонлар кам. Бу айни замон кишилари, ёшларига жуда катта ибратдир. Бугун рассом бойибди деса, расм чизиб кетадиган, савдогар бой бўлади деса, ўзини савдога урадиган, фақат пулнинг кетидан юрадиганлар кўпайган замонда Али акадай инсонлар ноёб бўлиб бормоқда.

Демак, ҳар бир инсон ўзига аталган йўл учун масъулдир. Сиз қайси соҳа мутахассиси бўлсангиз, уни мукаммал эгалланг. Шундагина ҳақиқий соҳа вакилига айланасиз. Али аканинг келажакдаги ишларига омад тилаймиз. Ўйлаймизки, ушбу эътирофдан кейин у янада ғайрат билан ишлаб, катта марралар сари интилишда давом этади.

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

Батир Закиров
(Таҳрир ҳайъати раиси),
Шерзод Ҳидоятов,
Давронжон Адилов,
Жалол Арашов,
Козим Туляганов,
Юлдаш Магрупов,
Жамшид Исмаилов,
Бобир Элмуродов,
Қудратбек Хошимбеков.

**ТАҲРИРИЯТ:**

Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**

Бош муҳаррир ўринбосари **Райҳона Хўжаева**

Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**

Мусаҳҳиҳ **Марҳамат Мусулмонқулова**

**Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.**

**«ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ» НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ МУАССИСЛАРИ:**

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси, «ЎзГАШКЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК, «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ, «ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:**

100035, Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси, 18-уй.
**Телефонлар:**
71-241-01-49 (қабулхона),
71-241-01-43 (таҳририят),
71-241-01-49 (бухгалтерия),
71-208-12-00 (реклама ва обуна бўлими).
**E-mail:** info@uzbunyodkor.uz

**ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАРНИНГ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:**

**Қорақалпоғистон Республикаси:** 90-658-50-43.
**Андижон вилояти:** 91-479-55-11.
**Бухоро вилояти:** 99-704-66-69.
**Жиззах вилояти:** 99-525-30-05.
**Қашқадарё вилояти:** 90-287-50-29.
**Навоий вилояти:** 99-731-17-40.
**Наманган вилояти:** 91-365-07-36.
**Самарқанд вилояти:** 95-560-30-45.
**Сирдарё вилояти:** 99-831-11-15.
**Сурхондарё вилояти:** 97-847-30-11.
**Фарғона вилояти:** 90-349-55-56.
**Хоразм вилояти:** 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г-937.
1620 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 6 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.
Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

**КОРХОНА МАНЗИЛИ:**

Тошкент шаҳри,
«Буюк Турон» кўчаси, 41.

**Навбатчи муҳаррир** – Р. Хўжаева.
**Навбатчи** – А. Ҳақбердиев.
ЎзА якуни – 22.00.
Топширилди – 22.30. 1 2 3 4 5 6

Газетанинг навбатдаги сони 2023 йил 8 сентябрь куни чиқади.

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№78-79 (731-732) 2023 йил 1 сентябрь

